

Кирғизов Дилишодбек Эркинбаевич,
Давлат статистика қўмитаси
Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиши статистикаси
бошқармаси бошлиги
Бахромова Дилбар Баҳромовна,
Нотижорат ташкилотлари фаолияти,
маданият ва туризм соҳаларида статистик кузатувлар бўлими етакчи мутахассиси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*)

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ИЖТИМОЙ СОҲА СТАТИСТИКАСИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиши статистикаси, давлат статистика кузатуви сўровномалари, Барқарор ривожланиши мақсадлари (БРМ), БРМ дастурида белгиланган вазифалар, Барқарор ривожланиши мақсадлари миллий индикаторларининг таҳлили бўйича статистик тўплам, MICS кузатуви саволномаларининг модуллари, Мультииндикатор кластер кузатуви тўғрисидаги ахборотлар батафсил ёритилган.

Подробно освещены вопросы по статистике социальной сферы и устойчивого развития, вопросы государственного статистического обследования, Цели в области устойчивого развития (ЦУР), задачи изложенные в ЦУР, Сборник статистических показателей достижения национальных ЦУР, информация о модулях вопросников MICS, Мультииндикаторное кластерное обследование.

The issues on statistics of the social sphere and sustainable development, questionnaires of the state statistical survey, Sustainable Development Goals (SDGs), the tasks set out in the SDGs, the Compendium of statistical indicators for achieving the national SDGs, information on the MICS questionnaire modules, multi-indicator cluster survey are discussed in detail.

Ижтимоий соҳага муҳим эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида айнан ижтимоий соҳани ривожлантириш кўзда тутилган. Унда хусусан, ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш белгилаб берилди (2).

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармасида 2019 йил мобайнида амалга оширилган ишлар натижаларига кўра, республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши жараёнлари тизимли статистик кузатувини амалга ошириш юзасидан, 2019 йил учун Давлат статистика ишлари дастури (3) доирасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган 32 турдаги давлат статистика ҳисоботи шакллари қабул қилинди.

Шунингдек,

З турдаги давлат статистика кузатув сўровномалари белгиланган методология асосида сифатли ўтказилди. Қабул қилинган ҳисобот шакллари ва кузатув сўровномалари маълумотлари белгиланган дастур асосида қайта ишланиб, чуқур таҳлил қилган ҳолда статистик маълумотлар тайёрланди ва фойдаланувчиларга етказиб берилди.

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадга вазифалар амалга оширилишига эришиш мониторинги бўйича ҳам Давлат статистика қўмитаси томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё мамлакатлари Минг йиллик Ривожланиш Мақсадлари доирасида эришган натижаларни эътироф этган ҳолда, бу доирада тўлиқ амалга оширилмай қолган мақсадларга эришиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятини 2015 йилдан сўнг янги ривожланиш жабҳалари сари етакловчи мақсадларни белгилаб олиш зарурияти пайдо бўлди. Шу тарзда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2012 йили барқарор ривожланиш мавзусида ўтказилган «Рио+20» конференциясида дунё мамлакатлари етакчилари Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)ни ишлаб чиқишига келишиб олдилар. Дунё

экспертлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, фуқаролар ва хусусий сектор вакиллари иштирокидаги кенг қамровли мухокамалар натижаси 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари аниқланишига олиб келди. 2015 йил сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тарихий саммитида Барқарор Ривожланиш Мақсадлари расман қабул қилинди.

БРМ дастури 169 та вазифани ўз ичига олувчи 17 та глобал мақсаддан иборат бўлиб, ушбу мақсадлар қуйидагича ифодаланган: 1) ўта қашшоқликка барҳам бериш; 2) очликка барҳам бериш; 3) соғлик ва фаровонлик; 4) сифатли таълим; 5) гендер тенглиги; 6) тоза сув ва санитария; 7) арzon ва тоза энергия; 8) муносиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш; 9) саноатлаштириш, инновация ва инфратузилма; 10) тенгсизликни камайтириш; 11) барқарор шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойлари; 12) масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш; 13) иқлим ўзгаришига қарши курашиш; 14) денгиз экотизимларини асрash; 15) қуруқлиқдаги экотизимларни асрash; 16) тинчлик, адолат ва самарали бошқарув; 17) барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик (4).

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2015 йил сентябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Саммитида қабул қилинган Барқарор ривожланиш бўйича халқаро кун тартибига қўшилди ҳамда кун тартибида белгиланган вазифалар бажарилиш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олди. Мазкур кун тартибидаги вазифалар бажарилишини тизимили ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори(5) қабул қилинди. Ушбу қарор билан 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий Барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича “Йўл ҳаритаси” тасдиқланди. Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил 27 декабрдаги йиғилиш баёни билан Барқарор ривожланиш мақсадлари миллий индикаторларини ишлаб чиқиш ва



мониторинги бўйича Идоралараро ишчи гурӯҳи таркиби тасдиқланди. Идоралараро ишчи гурӯҳи, Давлат статистика қўмитаси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти агентликлари билан биргаликда Ўзбекистон учун долзарб ҳисобланган 206 кўрсаткични ўз ичига олувчи миллий индикаторлар тизими ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда 113 та индикатор бўйича метамаълумотлар ишлаб чиқилган. Улардан 101 таси бўйича статистик маълумотлар мавжуд, 6 та индикатор ностатистик (сифат кўрсаткичлари) кўрсаткичлари ҳисобланади, 51 та индикатор бўйича кўрсаткичларни босқичма-босқич ишлаб чиқиши юзасидан “Йўл харитаси” тайёрланди, 4 та индикатор бўйича эса маълумотлар халқаро ташкилотлар томонидан шакллантирилади. Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастири (БМТТД) билан биргаликда хукумат томонидан қабул қилинган Миллий Барқарор ривожланиш мақсад ва вазифалар ижросининг мунтазам мониторингини юритиш мақсадида Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари веб-сайти ишга туширилди(6). Ҳозирги кунда веб-сайтни янада такомиллаштириш бўйича БМТТД билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Миллий барқарор ривожланиш мақсад ва вазифалар ижроси бўйича БРМ Миллий индикаторлари маълумотларини йиғиш Давлат статистика ишлари дастурига киритилди. БРМни амалга ошириш учун масъул вазирлик ва идораларнинг статистик салоҳиятини ошириш мақсадида БМТ Тараққиёт дастири билан ҳамкорликда ЮНЕП, БМТ ЭСКАТО, БМТ Университети, ФАО, БМТ ЕЭК, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссарининг Марказий Осиёдаги минтақавий Бюроси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Дания институти каби халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда атроф-мухит, инсон ҳуқуқлари, сув билан боғлиқ БРМ индикаторлар методологиясини ишлаб чиқиши ҳамда бу борадаги билим ва тажрибаларни алмасиши бўйича семинарлар ташкил этилмоқда.

Давлат статистика қўмитаси томонидан, илк маротаба Миллий барқарор ривожланиш индикаторлари бўйича статистик тўплам нашр этилди. Барқарор ривожланишнинг 2030 кун тартиби имзоланганидан буён ўтган уч йил ичida Ўзбекистон ўз мақсад ва вазифаларини БРМда белгилangan глобал мақсадлардан келиб чиқувчи миллий тараққиёт дастурларимизни уйғунлаштириш, шунингдек, уларнинг ижроси бўйича сиёсий

ва ташкилий чора-тадбирлар юзасидан зарур ишларни амалга ошириб келмоқда.

Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган Миллий барқарор ривожланиш индикаторлари бўйича статистик тўпламда, БРМга эришишдаги глобал ривожланишни кузатиш, ўз мажбуриятларимизни бажаришда эришган натижаларимизни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун мавжуд бўлган сўнгги маълумотлар акс этган. Эришилган натижаларни таҳлил қилиш 2030 кун тартибида кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда зарур бўлган янада жадал ривожланишга эришиш учун қайси соҳаларга эътибор қаратиш лозимлигини тушунишга ёрдам беради. Ушбу тўпламда ҳозирги кунда Ўзбекистонда БРМга эришишнинг статистик мониторинги учун фойдаланиладиган асосий Миллий индикаторлар мавжуд. Мазкур статистик тўплам ижтимоий соҳаси мутахассислари, демография соҳасидаги мутахассислар, иқтисодчилар, статистиклар, оммавий ахборот воситалари ва кенг омма учун мўлжалланган.



Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг мониторингини юритишда жаҳон мамлакатлари миқиёсида тан олинган ва белгиланган раундлар асосида ўтказиб келинаётган кўзатувлар мавжуд. Ушбу кузатувлардан бири болалар ва аёллар ҳолатини халқаро даражада баҳолаш мақсадида ўтказилган мультииндикатор кластер кузатувлариdir.

2020–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш тўғрисида”ги 625-сонли қарори (7) қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда кузатувлар республикада болалар ва аёллар ҳолатини халқаро даражада баҳолаш мақсадида ўтказилиши белгиланган.

Ўзбекистонда “Мультииндикатор кластер кузатуви” лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Давлат статистика қўмитаси ва БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида уч томонлама келишув имзоланди. Қарорга мувофиқ “2020 – 2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатуви”ни ўтказиш учун Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби ҳамда кузатувни ўтказиш схемаси тасдиқланди. Давлат статистика қўмитаси кузатувни ўтказиш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

2021 йил 1 октябргача кузатув натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, тегишли йўналишларни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши режалаштирилди. Бугунги кунда, “Мультииндикатор кластер кузатуви” бўйича Давлат статистика қўмитаси томонидан бир қатор тадбирлар, семинарлар ва ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

2019 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Баҳодир Бегалов UNICEF нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн билан Мультииндикатор кластер кузатувини ўтказиш масалаларини муҳокама қилиш юзасидан учрашув ўтказди. Учрашувда мультииндикатор кластер кузатувини ўтказишдаги чора-тадбирлар, бажариладиган ишлар юзасидан самимий сухбат бўлиб ўтди. Сухбат давомида соғлиқни сақлаш, овқатланиш, таълим ҳамда болалар ва аёллар фаровонлигига таъсир кўрсатадиган бошқа муҳим устувор вазифалар билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

2019 йил 25 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 625-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида БМТнинг Болалар фонди (UNICEF) билан ҳамкорликда мультииндикатор кластер кузатувини (МИКС) ўтказиш бўйича ишчи гурӯҳ учрашувида МИКС кузатувининг мақсад ва вазифалари, ўтказиш босқичлари, ишчи гурӯҳининг вазифалари муҳокама қилинди. Тадбирда иштирок этган вазирлик ва идоралар ҳамда Давлат статистика қўмитаси мутахассислари томонидан ишчи гурӯҳнинг дастлабки иш жадвали, МИКС саволномалари ва уларнинг модуллари кўриб чиқилди. Учрашув якунига кўра, кейинчалик Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгашга тасдиқлаш учун киритиладиган МИКС кузатуви саволномаларининг модуллари келишиб олинди.

2019 йил 31 октябрдан 2 ноябргача Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (UNICEF) ҳамкорлигига тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштироқида қўшма семинар ташкил этилди. Семинарнинг асосий мақсади Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилган мультииндикатор кластер кузатуви саволномаларини миллий шароитга мувофиқлаштириш ҳисобланади. Тегишли

вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, UNICEF эксперталари томонидан Мультииндикатор кластер кузатуви саволномаларини мослаштириш учун сўровномалар ва сўров модуллари кўриб чиқилди. Мухокама натижаларига кўра, МИКСнинг глобал дастури томонидан таклиф этилаётган саволномалар ва саволномаларга тааллуқли модуллар белгилаб олинди.

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда
Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувларини ўtkазиш натижасида мамлакатда оналар ва болалар турмуш тарзига оид статистик маълумотларни янгилашга ва уларни халқаро маълумот базаларида акс эттиришга эришилади. Бу эса, ўз навбатида, Жаҳон банкининг “Статистика фаолияти самарадорлиги рейтинги”да Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичлари юксалишига хизмат қиласиди.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. 28.12.2018 йил (www.uza.uz))
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. (“Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”. 2017 йил, 2-сон, 33-модда);
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги “2019 йил учун Давлат статистика ишлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 91-сонли қарорига илова. (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.02.2019 й., 09/19/91/2576-сон).
4. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон. 04.06.2019 й., Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгacha бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори.
5. Национальная база данных законодательства, 26.07.2019 г., № 09/19/625/3480.
6. www.nsdg.stat.uz. Миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг веб-сайти.
7. www.Norma.uz Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш тўғрисида”ги 625-сонли қарори.